



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT AKTIVLARINI
BOSHQARISH AGENTLIGINING
YAGONA AKSIYADOR (ISHTIROKCHI) Q A R O R I**

20 23 yil “ 4 ” mart

№ 26/07-1-qr

Toshkent sh.

**“Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши ҳамда
ижроия органи таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 59-моддаси ҳамда “Ўзбекнефтгаз” АЖ Уставининг 8.8.8-банди талабларига асосан **қарор қилинди:**

1. Қуйидагилар:

а) “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг:

59-моддасида жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар кўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш жамият акциядорлари умумий йиғилишининг ваколат доирасига кириши;

76-моддасида жамият бошқаруви аъзолари ва директори, унинг шубба ва тобе ҳўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмаслиги белгиланганлиги;

б) “Ўзбекнефтгаз” АЖ уставининг 8.8.8-бандига асосан бошқарув раиси ва аъзоларини сайлаш (тайинлаш) ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш акциядорлар умумий йиғилиши ваколатлари доирасига кириши белгиланганлиги;

в) “Ўзбекнефтгаз” АЖ бошқарув раисининг геология бўйича ўринбосари **Тўхтаев Қобилжон Мухаммадиевич** ўз ихтиёрига кўра эгаллаб турган лавозимидан озод этиш ва у билан тузилган меҳнат шартномасини муддатидан илгари, яъни 2023 йил 1 март кунидан тугатиш тўғрисидаги аризаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Ўзбекнефтгаз” АЖ бошқарув раисининг геология бўйича ўринбосари **Тўхтаев Қобилжон Муҳаммадиевич** эгаллаб турган лавозимидан озод этилсин ва у билан тузилган меҳнат шартномаси 2023 йил 1 март кунидан бекор қилинсин.

3. “Ўзбекнефтгаз” АЖ ягона акциядорининг 2023 йил 6 февралдаги 12/08-2-қғ-сон қарори билан жамият кузатув кенгаши таркибига сайланган **Сидиков Баҳодир Баҳромович**нинг ваколатлари муддатидан олдин тугатилсин.

4. **Сидиков Баҳодир Баҳромович** “Ўзбекнефтгаз” АЖ бошқарув раисининг геология бўйича ўринбосари лавозимига тайинлансин.

5. Мазкур қарор ижросини таъминлаш “Ўзбекнефтгаз” АЖ бошқарув раиси М.Р. Абдуллаев зиммасига юклатилсин.

Директор


А. Ортиков